

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2019 йил апрель ойининг 09 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, Тошкент тумани суди ўз биносида, очик суд мажлисида,
Раислик қилувчи: М.Миррахимов,
судья ёрдамчиси Н.Тожибоевнинг баённома юритувида,
тарафлардан Тошкент туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Камолов,
“INYURKOLLEGIYA” адвокатлик фирмаси адвокати Х.Усманов, судланувчи
[REDACTED]нинг иштирокида,

1954 йил 17 сентябрь куни Андижон вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, нафақада, харбий хизматга мажбур эмас, муқаддам жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани судининг 20.10.2015 йилдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 212-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 237-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 238-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45,59,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 55 баравари, яъни 5.285.775 сўм жарима ва 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2019 йил 8 январдаги апелляция инстанцияси судининг ажримига кўра тайинланган жазо ўзгаришсиз, апелляция шикоят қаноталантиришсиз қолдирилган, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-банди “а” кичик банди қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталмай қолган қисми учдан бир қисмига қисқартирилган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8 “а” мавзе, 12/71-уйда истиқомат қилади, 2019 йил 11.01.2019 йилдан қамокда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 01.02.2019 йилда олган [REDACTED] (Yakubova Nasiba Abduraxmanovna) ни,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан айбланиш ҳақидаги 1-205/2018-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, прокурор ва адвокатнинг музокарасини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи [REDACTED], белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасига киришда ифодаланган жиноятни қуйидаги ҳолатларда содир қилган.

Жумладан, [REDACTED] 2018 йил 11 ноябрь куни соат 19:30 ларда, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон

Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган тартибларини қўпол равишда бузиб, Тошкент тумани, Кўксарой худуди, Қуш-қўнди маҳалласига айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасидан ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси чегара сим тўсиқлари орасидан ўтибкелаётган вақтида Ўзбекистон Республикаси ДХХ ДЧХҚҚ чегара аскарлари томонидан ушланган.

Судда судланувчи [] айбига тўлиқ иқrorлигини билдириб, 2015 йил октябрь ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди биносидан чиқиб кетганидан сўнг суддан яшириниш мақсадида 2015 йил 2 ноябрь куни Тошкент туманида жойлашган “Ғишт-кўприк” чегара божхона пости орқали Ўзбекистон Республикасидан қонуний равишда чиқиб Қозоғистон Республикасига борганлиги, у ердан йўловчи автобусда 2018 йил 5 ноябрь куни чиқиб Россия Федерациясига борганлиги, у ерда турли жойларида ишлаганлиги, 2018 йил ноябрь ойида соғлиги туфайли уйга қайтишга қарор қилганлиги, ҳимоячиси унга нисбатан кўзғатилган жиноят иши бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлигини билганидан сўнг иш бўйича моддий зарар ундирилиши ажрим асосида олиб ташланганлигини билиб, ёши 64га кирганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслигини сўраш мақсадида, 8 ноябрь куни йўловчи автомашиналарда йўлга тушганлиги, Россия Федерациясининг Оренбург вилояти Окбулак туманида жойлашган божхона чегара постида ҳалқаро қидирувда эканлиги аниқланиб ушланганлиги, лекин у ерда соғлиги яхши бўлмаганлиги ва ҳалқаро этап ҳужжатлари тўлиқ бўлмаганлиги сабабли уни шу куни озод қилишганлиги, шундан сўнг у Қозоғистон Республикасига кириб йўловчи автомашиналарда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан давлат чегараси яқинига келганлиги, атрофни кузатиб чегара сим тўсиқлари орасидан ўтиш учун вазиятни кутганлиги, Қозоғистон Республикасида юрганида Ўзбекистон Республикасига чегара сим тўсиқларидан ўтиш мумкинлигини эшитганлиги, шу сабабли ҳеч кимдан ёрдам сўрамасдан бир ўзи йўловчи автомашинада Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан божхона чегара пости яқинигача бориб у ерда автомашинадан тушиб, пиёда юриб чегара сим тўсиқлари томонга борганлиги, 2018 йил 11 ноябрь куни соат 19:20ларда чегара сим тўсиқлари орасидан ўтиб Ўзбекистон Республикасига кириб келганлиги, чегара сим тўсиқларидан ўтиши билан хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан аниқланиб қўлга олиниб ҳужжатлари расмийлаштиришганлиги, Қозоғистон Республикасидан ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига айланма йўллар орқали бир ўзи ўтиб келганлиги, унга ҳеч ким ҳеч қандай ёрдам бермаганлиги, паспорти қонуний эканлиги,

паспортини амал қилиш муддати ўтмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, яқинда олтмиш беш ёшга тўлиши, бир қизи ва невараси борлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан шартли жазо тайинлашни сўради.

Дастлабки тергов даврида гувоҳ Б.Тўйчиев 2018 йил 11 ноябрь кунисоат 19:30ларда пост бошлиғнинг буйруғига асосан чегара худудининг 9-соҳасида хизматни ўтаётган ШАХХ оддий аскар [REDACTED] ва О.Сайдуллаевлар хизмат вазифасини бажараётганида чегара бузғунчиси Қозоғистон Республикасидан ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига айланма йўллар орқали чегара симларини бузиб ўтиб келаётганлигини сезганлигини маълум қилганлиги, у хатар гуруҳи билан айтилган соҳага борганида ҳақиқатдан ҳам бир нафар ўзини [REDACTED] [REDACTED] деб таништирган фуқаро халқаро кидирувда бўлганлиги сабабли Қозоғистон Республикасидан ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига чегара симларини бузиб, айланма йўллар орқали бир ўзи ўтиб келаётганлигини айтганлиги, ундан қаерда яшашлиги ва ким билан келаётганлиги, шериклари бор йўқлигини сўраганида, чегара бузғунчиси Тошкент шаҳар, Сергели туманида яшаши, бошқа шериклари йўқлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг унга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судланувчи [REDACTED]нинг айби унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берганкўрсатуvidан ташқари жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, жумладан, чегара пости бошлиғининг ИИБга хати (и.в. 2);

Ўзбекистон Республикасида влат чегарасининг бузилиши ҳақида баённома (и.в. 3);

ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма, фотосурат (и.в. 4-6);

маъмурий тартибда ушлаб қолиш ҳақида баённома (и.в. 7);

[REDACTED]ни айбланувчи тариқасида сўроқ қилиш баённомаси (и.в. 48-50) ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, юқорида келтирилган далиллар, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ҳамда судланувчининг жинoий ҳаракатларини баҳолашда етарли деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] [REDACTED]нинг жинoий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у ҳақиқатдан ҳам қонунга хилоф равишда белгиланган тартибни бузиб, Ўзбекистонга киришда ифодаланган жинoятни қасдан содир қилган ва унинг айби суд мажлисида ҳам ўз тасдиғини тўлиқ топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан судланувчи [REDACTED]нинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб

топади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари аниқланмади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [] га нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3 – бандида Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жазо тури ва миқдорини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, “Эзгулик” маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори томонидан берилган тавсифномани, ҳозирги кунда ёши олтмиш тўртдан ошганлигини, нафақада эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисмида белгиланган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни, жарима миқдорини 2018 йил 21 ноябрь Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи 202.730 сўмни ташкил қилганлиги сабабли, жарима миқдорини ушбу суммадан ҳисоблашни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани судининг 20.10.2015 йилдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми “а” банди, 237-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 238-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан тўлиқ кўшишни;

қўлланилган камоққа олиш эҳтиёт чораси аслича қолдиришни;

унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори 6-бандининг “а” кичик банди татбиқ этилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталмаган муддати учдан бир қисмига қисқартиришни;

ашёвий далил сифатида олинган 19.06.2014 йилда Тошкент шаҳар, Сирғали туман ИИБ томонидан берилган АА 5847371 серияли паспортни жазо ўтаётган муассасага сақлаш учун юборишни лозим деб ҳисоблайди.

ЮқоридагиларнинобатгаолибҳамдаЎзбекистонРеспубликасиЖиноят-
процессуалкодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига
асосан суд

Х У К М Қ И Л А Д И:

ЎзбекистонРеспубликасиЖинояткодекси 223-моддасининг 1-қисми
биланайблидебтопилсин.

гаЎзбекистон Республикаси Жиноят
кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят
кодексининг 57-моддасини қўллаб энг кам ойлик иш ҳақининг
5 (беш) баравари, яъни 1.013.650 (бир миллион саккиз юз йигирма тўрт минг
беш юз етмиш) сўм жарима жазоси тайинлансин.

га Ўзбекистон Республикаси Жиноят
кодексининг 60-моддаси тартибида тайинланган жазогажиноят ишлари
бўйича Шайхонтохур тумани судининг 20.10.2015 йилдаги ҳукмига асосан
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 212-моддаси3-қисмининг
“а”банди,237-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 238-моддасининг 1-
қисми билан Жиноят кодексининг 45,59,61-моддалари тартибида 2(икки) йил
муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида
ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 55
(эллик беш баравари) баравари, яъни 5.285.775 (беш миллион икки юз саксон
беш минг етти юз етмиш беш) сўм жарима ва 10 (ўн) йил муддатга
озодликдан маҳрум қилиш жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил 2
(икки) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш
идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, энг кам ойлик иш
ҳақининг 60 (олтмиш) баравари, яъни 6.299.425 (олти миллион икки юз
тўксон тўққиз минг тўрт юз йигирма беш) сўм жарима ва 10 (ўн) йил
муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш, муайян ҳуқуқдан маҳрум
қилиш ва жарима жазоларининг ҳар қайсиси алоҳида ижро қилинсин.

Жазоумумийтартибликолониялардаўтатирилсин.

Жазони ўташмуддати2019йил 11 январдан бошлабҳисоблансин.

га Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати
билан амнистия тўғрисида”ги Қарори 6-бандининг “а” кичик банди татбиқ
этилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталмаган муддати
учдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ашёвий далил сифатида олинган 19.06.2014 йилда Тошкент шаҳар,
Сирғали туман ИИБ томонидан берилган АА 5847371 серияли паспорт
ни жазо ўтаётган муассасасига сақлаш учун юборилсин.

Хукмдан норози тараф хукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум хукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти апелляция инстанцияси судига шикоят бериш ёки протест билдириши, хукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди кассация инстанциясига шикоят ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи: (имзо)
Хукм нусхаси аслига тўғри:

М.Миррахимов